

"ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИДА УНДАЛМАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ"

Сейтжанов Жеткербай Елиубаевич

Қорақалпоқ давлат университети

Нукус, Ўзбекистон

E-mail: jetker@inbox.ru

Аннотация. Мақолада ундалмалар тушунчаси ва унинг лингвистик хусусиятлари таҳлил этилади. Уларнинг ўзбек, қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги ифодаланиши қиёсий таҳлил қилиниб, синтактик ва прагматик функциялари ўрганилади. Шунингдек, ушбу бирликларнинг расмий ва норасмий нутқдаги ўрни, уларнинг коммуникатив аҳамияти ва нутқий маданиятга таъсири ёритилади.

Калит сўзлар: Ундалма, синтактик бирлик, прагматика, лингвистик таъсир, вокатив гап, риторик аспект, тил қиёси, коммуникатив аҳамият.

Бугунги кунда мамлакатимиз учун хорижий тиллар бўйича малакали мутахассислар ва таржимонларга эҳтиёж ҳолати кучли.

Анъанавий тилшунослик лисоний бирликларнинг фақат шаклий томондан ўрганишга эътиборни қаратмоқдалар. Бундай қараш, айниқса, тилга семиотик нуқтаи назардан ёндашиш, белгини фақат шаклдан иборат деб ҳисоблаш натижасида яна ҳам кучайишига сабаб бўлади. Маълумки, тил ҳар бири ёпиқ тизим сифатида қараладиган қатъий сатҳларга ажратилди. Лисоний бирликларнинг ўзи ифодаланаётган объектив борлиқ билан муносабати тадқиқотдан четда қолмоқдаки, тилни бундай ўрганиш бир ёқлама эканлиги, шаклни маънодан ўзиб бўлмаслиги маълум қилишига ва натижада лисоний бирликларнинг маъно томонига эътибор кучайишига олиб келди.

Ўзбек тилшунослигида ундалма термининг илмий муомалага киритилиши Фитратнинг “Наҳв” асари билан боғлиқ. Ундалма – тингловчи эътиборини сўзловчи гапига қаратиш ҳамда баҳолаш вазифасини бажаради.

Ундалмалар ўзининг лексик-грамматик табиати билан нутқий вазият мазмунига кучли таъсир эта оладиган тил бирлиги ҳисобланади [4.98-99]. Ундалмалар ундаш муносабатини ифодалайди.

М. Қосимова сўзлари билан айтганда, “Ундов сўзлар, кўпинча, гапда кириш сўзга ўхшаш вазифа бажариб, ундов бўлиб келади. Бундай ундовлар гап мазмунига эмоционал бўёқ бериб, унинг прагматик ҳолатини ўзгартириши мумкин”[3.14.].

Ундалма – сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предмет деб тасаввур қилинган ҳодисани билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаси. Ундалма, киришлар ёки киритмалар каби, гапни кенгайтиради, аммо унинг бўлаклари билан синтактик алоқага киришмайди, ёзувда вергул ёки ундов белгиси билан ажратилади. Ундалма гап бошида ҳам, ўртасида ҳам ва охирида ҳам келиши мумкин.

Киёсланг: 1. **Ука**, бу ишларинг менга ёқмаяпти. 2. Бу ишларинг, **ука**, менга ёқмаяпти. 3. Бу ишларинг менга ёқмаяпти, **ука**. Болалар! Кўчада эҳтиёт бўлинглар.

Қорақалпоқ тилида: 1. Сапаргүл апа, омирде бахытлы болыў ушын нелерге әмел етиў керек?

2. Мени бул истен шетлетпең, **жолдас Адинаев**, - деди Қарабай өтиниш етип.

3. Буралаў жумысында табысларға ерисиўимиз керек, **жолдаслар**.

Инглиз тилида: 1. **Ann**, who is he? 2. Please, come with me, **Janos**. 3. “Good morning, **madam**” said **Holmes**.

Гап бошида ундалма махсус интонация билан айтилади ва баъзан вокатив гап вазифасини бажаради. Ундалма, кириш, киритма каби, фикр баёнида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун уларни гапнинг учинчи даражали бўлаклари сифатида қараш ҳам мавжуд.

Ундалма – бу сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ва предметни билдирадиган сўзлардир [8.131.].

Ўзбек тилшунос олимаси «Ҳозирда лисоний маънавиятимизда, нутқий маданиятимизда фаол қўлланилаётган, тилимиз бойлигининг ўзига хос ифода воситаларидан бўлган мурожаат бирликлари ўз аҳамияти билан ажралиб туради. Маълумки, фанимизда бундай бирликлар ундалмалар деб номланади» [1.3.].

А.М. Пешковский ундовларни “... булар тасаввур эмас, сезги белгиларидир” дея таъкидалаган [5.404.]. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ундовлар фақат гап-сўз мифатидагина эмас, гап бўлакларидан бири бўлиши ёки унинг таркибига кириши ва перепозитив юклама вазифасини бажариши билан алоҳида сўз сифатида ҳам қўлланилади. Шунинг учун ушбу тилларда ундовларни алоҳида туркумга ажратиш мумкин бўлган сўзлар деб қараш лозим.

Рус ва инглиз тилшунослигида ундалмага жуда катта эътибор берилган. Инглиз ва рус тилшунослигида ундалмани ўрганишга бағишланган мақолалар, диссертацион ишлар, монографиялар мавжуд. Рус тилшунослигида В.В.Бабайцева, А.Н.Печников, Филлипова Е.В. Л.П.Рыжова, Г.Г.Почепцов, Газиева Г.А., Е.В. Филлипова, Н.И. Формановская, И.В. Дорофеева, С.С. Ильина, О.Г. Минина, И.В. Трищенко, Саркар Митали, инглиз тилшунослигида R. Brown., M. Ford, I. Slobin, L.W Porter., S. M Ervin-Tripp., C.A. Eminovich, E.M. Gordon, T.P. Krilova ва б.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ундалмага бағишланган ишлар Р.Сайфуллаев, А. Ғуломов, М. Асқарова, Ғ. Абдурахмонов, Ў.Қ. Юсупов, Н. Махмудов, Қурбонова М., Сайфуллаева Р., А.Нурмонов, Аҳмедова Н.Ш. М. Муҳаммадиева, Ж.Е.Сейтжанов, М.Қосимова, Б. Менглиев, Д.Б. Бойматова, М.Б. Бошмонов, Б.Х. Рахматиллаева, Н. Умарова, Б. Умурқулов, Н. Қозоқова, (қорақалпоқ) Бекбергенов А, Бердимиуратов Е, М. Даулетов, А.Нажимов, Е. Дауенов, А.Альниязов каби олимларнинг ишларида кузатамиз.

А.Ғ. Ғуломов ва М.А. Асқаровалар фикрича, «ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни билдиради... Ундалма II шахсга қаратилган бўлади.

Ундалманинг асосий вазифаси нутққа, айтилаётган фикрга тингловчининг диққатини тортишдир. Бу хусусият ундалманинг диалогик нутқ учун характерли эканини кўрсатади»[2.183.].

Ундалмалар тилдаги энг ёрқин культуремалардан бири ва улар диалогик нутқда кўп учрайдиган ҳамда вазифавий жиҳатдан ранг-барангликка дахлдор синтактик ҳодиса саналади[7.15]. Биз ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда ундовларнинг ўзларига хос бўлган маънога эга эканликларини кўрсатади. ўзига хос маънонинг мавжудлиги, албатта, ундовларининг нутқда қандай бўлмасин синтактик вазифа бажаришлари билан бевосита боғлиқ. Ундовларининг дастлабки функцион эса айрим гап сифатида сўзловчининг фикрини ифода этиш учун хизмат қилишдир деб ҳисоблаймиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, шу пайтга қадар қорақалпоқ тили инглиз ва ўзбек тилларидаги ундалмалар билан чоғиштирилмаган. Ушбу диссертациянинг бошқа тадқиқотлардан фарқи шундаки, унда ўзаро кескин тафовутга эга бўлган турли тизимли ва лингвوماданиятига дахлдор тиллар, яъни инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ундалмалар риторик аспектда тадқиқ қилинади.

Адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 3
2. Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент, 1965. – Б. 183.
3. Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида): НДА – Тошкент, 2008. – Б. 14.
4. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Тошкент., “Ўқитувчи”, 1995. – Б. 98-99.
5. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. Изд. 7-е. – Москва, 1956. – С. 404.
6. Расулов Р. Келажак – тил соҳиблариники. *Тил ва адабиёт таълими*, 7(7), 2020. – Б. 63-64.
7. Сейтжанов Ж.Е. Инглиз ва ўзбек тилларида ундалманинг қиёсий тадқиқи. Филол.ф.н.....дис. –Тошкент., 2012. – 136 б. – Б.15.
8. Умуркулов Б. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Термиз, 2012. – Б. 131.